## Келажакка юз тутган шаҳар

# ПОЙТАХТ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАДИ

**«Интерконтиненталь», «Шодлик-палас», «Ўзбекистон», «Тата» — булар шаҳримизда жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсата оладиган меҳмонхоналар сирасига киради. Келгуси йилда эса улар қаторига яна бир тўрт юлдузли меҳмонхона қўшилади. У пойтахтимиз кўркига монандгина бўлиб қолмай, хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатишда ҳам талаб даражасида бўлади.**



Чиндан ҳам шаҳримизнинг энг файзли кўчаларидан саналган Алишер Навоий ва Амир Темур кўчалари чорраҳасида шаҳар ҳокимлиги буюртмаси асосида қад ростлаган бино барчанинг нигоҳини тортмоқда. Муҳташам бино Франциянинг «Буиг» компанияси бунёдкорлари меҳнатининг самараси бўлмоқда. Куни кеча қаватлари соат сайин қад ростлаган бинога бугун ўрнатилаётган зангори ойналар кўзни қамаштирмоқда.

«Буиг» — Европада довруғ қозонган қурилиш компанияларидан бири саналади. Бу компанияда 100 мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. У ўзининг 40 йиллик фаолияти давомида 80 дан ортиқ мамлакатлардаги қурилишларда иштирок этиб, юксак тажрибага эга бўлган. Улар эга бўлган замонавий технология ҳар бир ишнинг юксак сифатини таъминлабгина қолмай, вақтни тежаш имконини ҳам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу компания бунёдкорлари томонидан Саудия Арабистони, Чехия, Венгрия, Туркия, Польша ва бошқа жуда кўплаб давлатларда қурилган қатор улкан иншоотлар у ердаги шаҳарлар чиройини очиб турибди. Шунингдек, улар Москвада «Ирис» меҳмонхонаси ҳамда «Конверсбанк» биносини, Олмаотада Президент саройини, Туркманистонда Президент саройи, конгресслар биносини моҳирлик билан бунёд этдилар.

Бугун Тошкентимизда қад ростлаётган янги меҳмонхонадаги бунёдкорлик ишларидан кўриниб турибдики, фирма қурувчилари вақтнинг қадрига етадилар. Шу сабабли бўлса керак, бир қурувчи бир неча касбни уддалай олади. Бу ишнинг тўхтаб қолмаслигига муҳим омилдир.

16 қаватдан иборат бу меҳмонхона 250 ўринга мўлжалланган. Шунингдек, 400 автомашина сиғадиган автомобилларни сақлаш иккита жойи мавжуд бўлади. Булардан бири хизмат кўрсатувчилар, иккинчиси эса меҳмонлар учун хизмат қилади. Ёпиқ ҳавза, теннис корти спорт ишқибозлари учун ҳамиша очиқ бўлади. Бар ва ресторан қурилиши ҳам ниҳоясига етмоқда.

Айни кунларда бу улкан қурилиш иншоотида пардозлаш ишлари тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Франция, Испания ҳамда Португалиядан келган тажрибали пардозловчилар ҳар бир ишни маромида бажаришмоқда. Бу ерга ўрнатилаётган ойналар Америкадан келтирилган бўлиб, ўз ранги билан хоналарга ажиб тароват бахш этса, осилмачоқ панеллар иссиқлик қуввати бериш вазифасини ўтайди.

— Мен Ўзбекистоннинг пойтахтида шундай бино қурилишига улуш қўшаётганимдан мамнунман, — дейди пардозчи Булидо. — Шу боис ҳам ўз вазифамни сидқидилдан адо этмоқдаман.

Қурувчилар 1999 йилнинг бошларида меҳмонхонани буюртмачиларга топшириш ниятида унум билан ишлашмоқда. Чунки самара билан иш юритиш уларга ҳамиша омад келтирган. Зеро, меҳнат якуни — замонавий ва муҳташам бино пойтахтимизга кўрк бўлиши аниқ.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТДА: меҳмонхонанинг бугунги кўриниши; қурувчилар доимо яхши кайфиятда ишлашади.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





## Саноат

# ЖУМБОҚЛИ МУАММОЛАР

### УЛАРНИ ЕЧИШ ОСОН КЕЧМАЯПТИ

**Бир вақтлар «Лола» атир-упа ҳиссадорлик жамиятининг довруғи нафақат шаҳримизда, балки республикамиз бўйлаб тарқалганди. Корхона маҳсулотларига талаб катта бўлиб, улар харидорлар томонидан севиб харид қилинарди. Чунки гўзаллик бахш этувчи бу буюмлар ҳам сифати, ҳам талабга тўла жавоб бериши билан ажралиб турарди. Корхона ишчилари томонидан ишлаб чиқарилган турли-туман одеколон, шампунь, тиш ювиш пасталари, ранг-баранг кўринишдаги упа, кремлар ҳеч қачон пештахталарни тўлдириб чанг босиб ётмасди. Энди-чи? Худди шундай савол билан жамият бошқарувининг раиси Нажот Хўжаевга мурожаат қилдик.**

— Бозор шароити биргина бизни эмас, балки бошқа корхоналарни ҳам четлаб ўтмаяпти, — дейди у. — Лекин буни баҳона қилиб қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини излаяпмиз. Бунинг учун янги маҳсулот турларини кўпайтиряпмиз, уларни ишлаб чиқаришга жорий этяпмиз. Масалан, сўнгги ойларда машиналарни ювиш учун ишлатиладиган автошампун, машинанинг устки қисми (кузовига) ялтироқ шакл берувчи автополерол, машина ойнасини ювишда қўлланиладиган суюқлик моддаси каби янги турдаги маҳсулотларни тайёрлашни йўлга қўйдик. Ҳар уччала маҳсулотга «Орзу» деб ном бердик. Улар шу туркумда чиқариладиган бўлди.

— Бундай номнинг танланиши боиси борми?

— Бундай маҳсулотларни ҳайдовчиларимиз чет эл сафарларида бўлган чоғларида харид қилиб келишарди. Ўшанда улар «қани энди мана шундай маҳсулотлар ўзимизда ҳам чиқарилса» деб орзу қилишарди. Уларнинг мана шу нияти ижобатга олинди. «Орзу» туркумидаги маҳсулотлардан ҳозирча иккитасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхона цехларини кўздан кечирдик. Кенг ва ёруғ цехлардан ўрин олган техникаларнинг деярли ҳаммаси янги. Улар Германия, Швейцария, Италиядан келтирилган пульт билан бошқариладиган жиҳозлар. Аммо афсуски, бу серунум ускуналар тўла қувват билан ишламаяпти. Бунинг боиси корхона учун керакли маҳсулотларнинг 90 фоизи чет элдан келтирилади. Нархи эса қиммат. Бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш учун қилинаётган ҳаракатлар самара бермаяпти. Шунинг учун корхона ишчиларининг сони камайиб бормоқда. Унинг цехларини тўлдириб турган 1200 киши ўрнига бугунги кунда 400 та ишчи ишлаяпти, холос.

Ўтган йили давлат томонидан корхонага катта миқдорда кредит ажратилди. 270 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона ишчилари ва мутахассисларнинг саъй-ҳаракати билан бир нечта янги турдаги маҳсулотлар тайёрланди. Хусусан хина аралашган шампунь, «Левзодент» ва «Биодент» тиш ювиш пасталари, «Лавгри» креми ҳамда «Соҳибқирон» атири шулар жумласидандир. Очиғи бу маҳсулотларни харидорлар яхши қабул қилишди. Лекин нархи баланд бўлгандан кейин мижозлар уларни ўйлашиб харид қиладиган бўлишди.

Ҳиссадорлик жамиятида бу йил 450 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

— Октябрь ойида 30 миллион сўмлик атрофида маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди Нажот Хўжаев. — Ҳозирги бозор шароитида четга маҳсулот ишлаб чиқармай туриб оёққа туриб олиш қийин. Шу мақсадда Германия, Голландия, Англия сингари йирик давлатларнинг фирмалари билан алоқани кучайтирмоқчимиз. Бу борада дастлабки қадамларни ҳам қўйдик. Масалан, яқинда Қирғизистон учун тиш ювиш пасталарини қадоқлайдиган идишлар тайёрлаб беришга киришамиз. Олдин улар шундай идишларни Ҳиндистондан келтиришарди. Бизнинг маҳсулотимиз эса унга нисбатан ҳам арзон, ҳам сифатли.

Кўпчилик чет эл фирмалари республикамизда тайёрланадиган катта идишдаги томат маҳсулотларини кўплаб миқдорда биздан арзон баҳога сотиб олиб уларни ўзларига кичик идишларга қадоқлаб сотишарди. Корхонамиз мутахассислари ҳозир бу масала юзасидан ҳам изланишлар олиб боришаяпти. Хўжаликларда тайёрланган идишли томат пасталарини сотиб олиб ёки шартнома асосида ўзимизда қадоқлаб сўнг чет элга чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Спиртдан тайёрланган суюқ шифобахш дориларни ҳам қадоқлаш бўйича изланишларимиз давом этмоқда.

— Демак «Лола» фақат гўзалликкагина хизмат қилиб қолмай, балки бошқа йўналишлар бўйича ҳам ихтисослашаркан-да?

— Чунки бозор иқтисодиёти бир жойда депсиниб туришни ёқтирмайди. Унга астойдил изланиш керак. Шундай қилмасак корхонанинг аҳволи мушкуллашиб қолиши мумкин.

Суюқлик-косметика тайёрлаш цехи акциядорлик жамиятининг асосий хўжаликларидан ҳисобланади. Бу ерга кирган киши ўзини гўё гўзаллик оламига кириб қолгандек ҳис этади. Сабаби бу ердан ҳамиша ўзига хос хушбўй ҳид таралиб туради. Гулчеҳра Миржамилова бошчилик қилаётган цехда бугунги кунда 40 киши меҳнат қиляпти. Лекин афсуски, биз бўлган куни цехда унинг ичини кезиб юрган уч-тўрт аёлни демасангиз ҳеч ким йўқ эди. Германиянинг яп-янги серунум жиҳозлари сукут сақлаб турибди.

— Нега бундай? — сўраймиз раисдан.

— Илгари дастгоҳлар узлуксиз ишлаб турарди. Барча юмушлар шунга мослаштирилган эди. Ҳозир маҳсулот танқислиги, иш кучининг камлиги сабабли келтирилган маҳсулотни ускуналарга келиб тушгунча бўлган жараёндаги юмушларини олдин бажариб оламиз. Сўнг уларни автоматларга қуямиз. Бугун цехда маҳсулотларни тайёрлаш ишлари кетаётганлиги учун техникалар ишламаяпти, — тушунтиради бизга Нажот Хўжаев.

Қадоқлаш цехида ҳам шундай ҳолатни кузатдик. Бошлиқ қаердалигини сўраймиз.

— Ҳозирча бошлиғимиз йўқ. Энди тайинланади, — дейишади ишчилар.

Бошлиқ бўлмагандан кейин иш ўлда-жўлда бўлиши ҳам аниқ. Наҳотки корхонанинг катта бир хўжалиги учун раҳбар тайинлаш шунчалар мушкул иш бўлса. Ҳеч бўлмаса унинг вазифасини вақтинча бирон киши бажариб туриши ҳам мумкин-ку.

Хулоса шуки, корхона имкон қадар ишлаяпти. Унинг раҳбарияти бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган муаммоларни ечишга ҳаракат қилаяпти. Аммо йиллаб йиғилиб қолган жумбоқли масалаларни ҳал этиш оғирчилик билан кечмоқда.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

## Анжуманлар

# МУҲИМ МАВЗУДА

**Тошкент Давлат техника университетида «Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқариш» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуман университет ректори академик Т. Миркомилов, молия институти ректори академик М. Шарифхўжаев, «Ўзэлектроаппарат» корхонаси раҳбари А. Алимбоев ва бошқаларнинг долзарб мавзудаги «Бозор иқтисодиёти шароитида давлатни бошқариш», «Акционерлик жамияти ривожидаги тажриба ва муаммолар», «Бозор шароитида кичик корхоналарни бошқариш муаммолари», «Ходимларни бошқариш тизимини такомиллаштириш» маърузалари билан бошланди.

70 дан ортиқ илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган маърузаларни ўз ичига олган «Корхоналарни бошқариш назарияси», «Бошқаришнинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги муаммолари», «Инвестиция лойиҳаларини бошқариш ва таҳлил қилиш», «Ходимларни бошқариш» каби долзарб йўналишдаги шўъбалар фаолият кўрсатди.

Илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган, маъқул деб топилган маърузаларнинг қисқача баёнини анжуман материаллари сифатида чоп этишга қарор қилинди.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

## Назорат

# ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛМОҚДА

**Акмал Икромов тумани ҳокимлиги назорат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Фармойишлари ва уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган ҳукумат ҳужжатлари, республика Президентининг 1996 йил 20 августдаги Фармойиши билан тасдиқланган Низомга асосан хўжалик ва давлат идоралари фаолиятини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини бажариш, давлат ва ижрочилик интизомига риоя қилишдаги камчилик ва хатоларни бартараф этиш бўйича 9 ой мобайнида 13 та ҳукумат ҳужжатларининг жойларда бажарилишини ўрганиб чиқди.**

Шулардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонининг қандай бажарилаётганлиги туман халқ таълими бўлими ва унинг тизимлари, ўқув юртларида батафсил ўрганилди.

Жумладан, Жаҳон тиллари университетида Фармоннинг бажарилиши борасида университет раҳбарияти, кафедралар, деканатлар томонидан кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни тадбиқ этиш мақсадида қатор тадбирлар тузилган.

Кадрларга бўлган талаб даражаси йилдан йилга 10—15 фоиз миқдорида кўпайиб бормоқда.

Университетда хорижий инвесторлар билан ишлаш ижобий натижа бермоқда. Ўзбекистон — Америка қўшма институти ишга тушиш арафасида. Хорижий мамлакатлардан келган талабалар, аспирантларни ўқитиш ва бошқа соҳадаги мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича тузилган шартномалар орқали тушаётган валюталар, «Камолот» ва бошқа жамоат ташкилотларининг жамғармалари ҳам олий ўқув юртининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон телерадио компанияси билан шартномалар тузилган бўлиб, бу муассасалар орқали турли ўқишлар, маслаҳатли учрашувлар уюштирилмоқда. Намойиш қилинган «Ўзбекистон — Ватаним маним» танловида эса жамоа биринчи ўринни эгаллаган.

Истеъдодли ёш ўқитувчилардан 15 нафари махсус танловларда қатнашган ва 6 таси юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун хорижий мамлакатларга ўз малакасини ошириш учун юборилган.

Бажарилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, университетда ҳозирги кунда малакали ўқитувчилар етишмайди. Штат жадвали бўйича 526 та ўқитувчи ўрнига 465 та мавжуд ёки 61 та ўқитувчи кам.

Тошкент шаҳар юридик коллежида ҳам ушбу Фармоннинг бажарилиши бўйича буйруқ қабул қилиниб, иш жадвали тузилган. Ҳозирги кунда коллежда ўқитувчилар сони етарли даражада. Ўқитувчилар ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб вояга етказишдек шарафли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

А. Хўжаев номидаги тасвирий ва амалий санъат билим юрти, шунингдек, республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Лицей-интернатнинг икки ўқувчиси республика ижодий ёшлар танлови ғолиби бўлиб, олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинган ва бир неча ўқувчи совринли ўринларни эгаллаганлар. Яна бир ўқувчи республика танлови натижасида Италияга малака оширишга таклиф этилган.

Шу билан бирга ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Жумладан, шу вақтга қадар рус тилида чоп этилган адабиётлардан фойдаланилмоқда.

Туман халқ таълими бўлими ушбу Фармоннинг бажарилиши бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширган. Фармон юзасидан буйруқ ва иш режаси қабул қилиниб, ишчи гуруҳи томонидан бугунги кунгача анча ижобий ишлар қилинган.

Босқичма-босқич тадбирлар белгиланиб, 1997—2001 йилгача кадрлар тайёрлаш тизимининг салоҳиятини сақлаб қолиш асосида илмий-услубий, молиявий, моддий шароитларга қаратилган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Муассаса раҳбарлари боғча-мактабларда ўз вақтида «Маънавият ва маърифат», «Ахборот банки», «Қизлар клуби», «Матбуот маркази» каби хоналарни ташкил этишган. Президентимизнинг китоблари, сессия материаллари, Миллий дастур ҳақидаги қонунлар жавонлардан ўрин олган.

Мактаб ва мактабгача муассасалар раҳбарлари шу йил баҳор ойларида тест синовлари ва аттестация сўровидан ўтказилди ва бу уларнинг иш фаолиятларида ўз самарасини берди.

Туман назорат инспекцияси ҳукумат ҳужжатлари билан ишлаш бўйича ташкилий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, директив ҳужжатлар билан таништириш ва тушунтириш ишлари бўйича туман ҳокими ўринбосарларига қарашли мажмуаларда олтита семинар-кенгаш ўтказилди. Иш йўлланмаси ишлаб чиқилиб, ҳоким ўринбосарлари, бўлим ва бўлинмалар раҳбарларига Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини жамлаб тақдим этилди.

Бундан ташқари ҳокимликнинг ҳафталик йиғилишида Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ишлашга, уларнинг бажарилиши юзасидан қандай ишлар амалга оширилаётганлиги, қандай муаммолар юзага келганлигига алоҳида эътибор берилади.

Туман назорат инспекцияси Президент Фармонлари ва уларнинг ижроси устидан таъсирчан назоратнинг ташкил этилишини таъминлаш борасида барча имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланишга ўз эътиборини қаратмоқда.

*Олим СОДИҚХЎЖАЕВ, Акмал Икромов тумани назорат инспекциясининг бошлиғи.*

## Солиқ

# ДАРОМАД БАЁННОМАСИ ҚАНДАЙ ЮРИТИЛАДИ?

**Маълумки, 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Хусусан, 2002 йилдан эътиборан, даромадлар олиш манбаларидан қатъи назар, барча жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тизими жорий этилади. Биз Бектемир тумани давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Миракбар Ҳайдаровдан шулар тўғрисида гапириб беришни сўрадик.**

**— Суҳбатимизнинг аввалида даромад баённомаси ҳақида кенгроқ тўхталсангиз.**

— Ҳар бир меҳнат фуқарога маълум миқдорда бойлик келтиради. Яъни меҳнат эвазига товар, маҳсулот, нақд пул кўринишидаги бойлик алмашинади. Фуқаро шу жамиятда фаол, тинч меҳнат қилиши учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратилади, яъни фуқаронинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий ҳимоя, меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш шарт-шароитлари, касб, билим бериш ва ҳоказолар. Бу шарт-шароитларнинг яратилишида давлат томонидан белгиланган миқдорда харажатлар қилиниши талаб этилади.

Давлат қарамоғидаги юқорида зикр этилган шарт-шароитларнинг яратилишига жавобгар барча қонун чиқарувчи, ижроия ва назорат бўғинларининг фаолияти маълум миқдорда маблағ билан таъминланиши жоиздир. Бу маблағлар давлат бошқаруви бўғинлари томонидан амалдаги Конституцион қонун-қоидалар доирасида йиғилишини ташкил этишни талаб этади.

**— Гап шундаки, бу борада фуқаро барча даромадлари бўйича ўз ҳиссасини тўла-тўкис қўша олаяптими ёки йўқми?**

— Шу масалани ҳал этиш мақсадида давлат солиқ хизмати таркибида «Фуқароларнинг даромадларини баённома орқали назорат қилиш ижроия назорат бўғини» ташкил этилган. Бу ижроия-назорат тузилмасига асосий вазифа қилиб, бир неча даромад манбаларига эга бўлган фуқароларнинг йиллик умумий даромадлари бўйича даромад баённомаларининг олинишини ташкил этиш, амалдаги қонун-қоидалар асосида қабул қилинган даромад баённомаларини таҳлил этиш, текшириш ва расмийлаштириш ҳамда аҳолига тегишли тартибда солиқ қонунлари юзасидан тушунчалар бериш кабилар юклатилган.

Фуқаро йил давомида асосий даромад манбаидан ташқари қўшимча даромадга эга бўлган (бир неча даромадга) тақдирда кейинги йилнинг 1 апрелигача ўзи яшаб турган туман давлат солиқ инспекциясига шу олган даромадлари ҳақида маълумотномалар тақдим этиши, умумий йиллик даромад баённомасини топшириши ва бу билан барча даромадларини давлат олдида қонунийлаштириши лозимлиги амалдаги солиқ қонунларида белгиланган.

Афсуски, ҳозирда шу тоифадаги фуқароларнинг аксарият қисми ўз вақтида даромадлар баённомасини топширмаётганликлари уларнинг ҳамёнларига ҳам, давлат бюджетига ҳам зарар келтирмоқда. Даромад баённомасини топширишни пайсалга солаётган фуқаролар билан амалдаги қонун-қоидаларга асосан иш олиб бориш масаласида, туман ДСИси («Фуқароларнинг даромадларини баённома орқали назорат қилиш бўлими») томонидан иш юритишнинг вақтинчалик йўриқномаси ишлаб чиқилди.

Ҳозирда ушбу йўриқнома Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармасида кўриб, ўрганилиб чиқилмоқда. Мақсад бўлим иш унумини ошириш, давлат бюджетига тушиши лозим бўлган маблағларни давлатнинг бошқа ижроия-назорат бўғинлари, суд, прокуратура, ҳокимиятлар ва ҳоказолар биргаликда ундирилишини ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг эътиборини амалдаги қонун-қоидаларни ўрганишга кўпроқ жалб этишдир.

*Усмон УСМОНОВ суҳбатлашди.*

1998 — Оила йили

# МУҚАДДАС ДАРГОҲ

***Оила — нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати. Негаки, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги — оиладан! Ахир оиланинг бирламчи — бевосита вазифаси, маънавият тили билан айтганда муқаддас вазифаси — инсоният занжирини ҳам соғлом, ҳам иқтидорли авлодлар билан улаб боришдан иборат-ку! Бу ҳамма миллат, ҳамма давлат, ҳамма халқларга тегишли.***




Бизнинг Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланган. Хусусан ўзбек оилаларининг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари қадим-қадимдан ва ҳозир ҳам бошқа миллат кишиларида ҳам ҳайрат ва ҳурмат уйғотган хусусиятлардир. Яқинда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан нашр этилган Раҳима Шомансурованинг «Эр эпламоқ осон, лекин...» китобида ана шу муқаддас қўрғоннинг посбонлари — қиз, аёл, онанинг ўрни хусусида сўз юритилади.

Халқимиз, миллатимизга оид қайси манба, қайси қўлёзмага мурожаат этманг, она, аёл шу оиланинг муқаддаслигини таъминловчи мўътабар инсон сифатида таърифланади.

Қуръони каримда, ҳадисларда аёл — онани улуғлаш кераклиги ҳақида кўплаб ибратли кўрсатмалар бор. Уларнинг ҳаммаси аёл — онанинг оилада тутган ўрнидан келиб чиқиб айтилганлигини унутмасак бас. Негаки, дунёга келган фарзанд учун оила — илк тарбия маскани бўлса, — она шу тарбия маскани, шу муқаддас даргоҳнинг маънавий-ахлоқий муҳитини яратувчи мўътабар зотдир.

Момоларимиз ўз чекларига тушган бу қутлуғ вазифани жуда сидқидилдан бажариб келганлар. Ана шу момолар ўгитини эслаш, тиклаш, ривожлантириш ҳозирги кунда олдимизда турган катта вазифаларнинг бир зарраси деб билмоқ керак. Китобдаги ҳар бир ҳикояда муаллиф қайта-қайта миллатнинг юзи, нозик қалби, ор-номуси оиладан бошланишини яхши билган момоларимизга мурожаат этади, уларга қувват бериб турган омилларга эъзоз билан қарайди.

Қалбнинг иймонли ва раҳмонлиги ёки, аксинча, бағритошлик ва иблислик ҳам оилада шаклланади.

Оналаримиз бу муқаддас вазифани жуда оддий йўл билан, яъни оила одоби, демакки, халқ одобининг энг ибтидоий қирралари - каттага ҳурмат, кичикка иззат, муросаи мадора, юлдузга-юлдузни мослаб яшаш кабиларни сингдириш, ривожлантириш билан ўтганлар. Оқибатда халқимизга улуғ фарзандларни етиштириб берганлар.

Бунинг остида улуғ ҳаётий фалсафа — ўз оиласида тинч-тотув яшаган, аввало ўз инсоний ҳурмати-ю бурчини чуқур англаган, яқинлари, жигарларини иззат қилган киши жамиятда ҳам, Ватанида ҳам тинчлик, осойишталик ўрнатиш, истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашади ва бунинг минг бир иложини топади, деган ишонч ётибди. Муаллиф қарийб ҳар бир ҳикоя — суҳбатида адабиётимизнинг Бедил каби мумтозларига бежиз мурожаат қилмаётгани сезилиб туради. Мумтозларнинг бокира булоғидан унинг ўзи кўп нарса олибгина қолмай, у оламга сизни ҳам етаклайди ва чуқурлашганингиз сари, қалбингиз ёришиб бораётганини ҳис қиласиз.

Бир қараганда мавзу, қайнона-келинлар, оилавий муносабатлар кўпчиликка азалий тойинчоқ мавзудек кўриниши мумкин.

Муаллиф бу нозик мавзуга юраги ачишганидан киришганини сезиб турасиз. Негаки, майлида, қайдадир — касби туфайли, қайдадир — ногаҳон, у гул қизларимизнинг ўз бурчлари, жамият, миллат олдидаги вазифаларини англаш, уни бажариш у ёқда турсин — бирламчи ўринга ўз талабларини қўяётганларини, шу талабларнинг ўринсиз ва мавридсиз эканлигини тушунмаслик оқибатида турмушнинг илк синовлари олдидаёқ саросимага тушиб қолаётганларига кўп дуч келади. Бу яқин ўтмишимиздаги аёлнинг эркаклар билан тенг бўлиш, имкон борича ҳатто улардан ўтиш истак-интилишининг оқибатидир.

Ёшлар ичида уй иши ижросини, бекалар уҳдасидаги вазифаларни аёл учун таҳқир деб тушунадиганлар анчагина. Айримларнинг қарашича, у — қиз, у — келин, у — онами, демак ҳамма эътибор унга бўлиши керак! Ҳатто Қуръону ҳадислардан мисол келтириб, муқаддас китобларда аёлларни эъзозлаш буюрилган, деб ўзларига иззат талаб қиладиганлар ҳам талайгина. Аёлга, онага баҳони биринчи навбатда улар ўзларининг асл вазифаларини қандай бажараётганларига қараб берилишини унутадилар. Рисола — шу вазифаларни эслатишнинг нозик шакли холос. Эслатилганда ҳам пешонага мушт ургандек даққи қилиб эмас, мулойим, самимий, оналарча куюнчаклик билан эслатишдир.

«Эру хотин — қўш ҳўкиз» деган мақолни кўп эшитганмиз. Бу дегани оиланинг иқтисодиёти аксарият эркакда бўлса, маънавияти аёлда, онада, хотинда эканлигига ишорадир.

Қадимий удумларимиз бўйича қозондаги овқатнинг олди қарияларга, отага сузилади. Отадан аввал дастурхонга қўл узатилмайди. Одобимизнинг кичик зарраси бўлган шу масалага чуқур қарангa! Ахир бу — нон топиб егизаётган одамга ҳурмат кўрсатиш, унинг қадрини жойига қўйишнинг нозик маънавият пардасига ўралган шакли-ку! Бу катта одобимизнинг томчидаги аксидир. Опа-сингилларимиз, оналаримиз шу тариқа заррама-зарра халқ одобномасини ёшларга сингдириб борадилар.

Сени таъминлагувчи, сени тўйдирувчининг аввал иззатини жойига қўйган, ўзи бошқаларга мурувват кўрсатгангина мурувват кўради. Уй ичидаги ишларини билиб қилган, ҳар нарсани ўрнида тутган, ҳар бир кишига ўзига яраша муомала қилган аёлгина аввало ўз уйида, оиласида энг қадрли ва энг севимли аёл бўлиб қолади.

Оила йилида шулар ҳақида тўлиб-тошиб, жўшиб-жўшиб гапирибгина қолмай, амалий ишлар, тадбирлар дастурини беками-кўст бажаришимиз кераклигига нозик ишора деб мамнуният билан қабул қилдим ушбу рисолани. Умидим — у эрта-индин эшигида сурнай навоси янграйдиган қизларга, янги уйларга қадам босган келинчакларга, никоҳни қайд этувчи идораларимиз ходимларига-ю маҳаллалар хотин-қизлар кенгашларига яхши қўлланма бўлади.

*Фарида АБДУРАҲИМОВА,*
*Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари,*
*шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси.*

***Дам олиш кунларидан бири эди. Фарзандларим билан уйимиз олдидаги хиёбонга сайр қилгани чиқдик. Кеч куз бўлса ҳам ҳаво очиқ, қуёш чарақлаб турарди. Ҳаммаёқда япроқлар: оқ, сариқ, қизил, яшил япроқлар... Гуё кимдир келишингизни билгану йўлингизга камалак тус гилам тўшаб қўйгандай.***

Муносабат

# ХАЗОНЛАР УМР ХАЗОНИГА АЙЛАНМАСИН

Ҳар йили кузда, ҳазонрез пайтида менга шундай туюлади. Шунинг учун ҳам сердарахт хиёбонларни узоқ-узоқ айлангим, хаёл сургим келади.

Бугун ҳам шундай бўлди. Хиёбонга киришим билан димоғимга ёқимли ўрмон иси урилди. Нафас олиб тўймайсан. Оёғингиз остида япроқлар, минг хил рангдаги япроқлар ажиб бир оҳанг кашф этиб шитирлайди.

Бир оз айланиб, хиёбонни кесиб ўтган арикча четидаги ўриндиққа ўтириб атрофни томоша қила бошладим. Ўғилларим бир-бири билан қувлашиб ўйнашарди. Дам олиш куни бўлгани учунми сайр қилувчилар кўп эди. Олти ёшлар атрофидаги қизалоқ ерга тушган япроқларни саралаб улардан гулдаста ясашга уринарди. У жуда дид билан, каттагина ранг-баранг япроқлар дастасини ясаб бўлиб, ўрнидан турди-да, қаршисидаги ўриндиқда дугонаси билан суҳбатлашиб ўтирган онаси томон югуриб кетди.

— Ойижон, қаранг, қандай ажойиб япроқлар дастасини сиз учун ясадим.

Худди шу лаҳзада қизалоқ кўзида болалардагина бўладиган ажиб бир шодликни кўрдим. Қизалоқ кела солиб қўлидаги дастани онасига кўрсатди. Аёл бир суҳбатдошига, бир қизчасининг қўлидаги япроқларга қараб турди-да қизчанинг қўлидаги япроқларни олиб улоқтириб ташлади. Қизчанинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди.

— Нега ташлаб юбордингиз? Ахир уни сиз учун ясаган эдим-ку! — дея йиғлаб юборди қизча.

— Нозима қизим, эсингни едингми? Қара шу япроқларни йиғаман деб қўлларинг ҳам ифлос бўлибди. Шу ҳидсиз, оёқ остидаги япроқларга жонинг ачияптими, ахир улар жонсиз-ку!

— Мен уни сиз учун...

— Бўлди, бас қил. Бор, нарироқда ўйна...

Қизча ҳиқиллаганича онасидан узоқлашди. Энди унинг кўзларида бир неча дақиқа илгари чақнаб турган шодликдан нишона ҳам қолмаганди. У бошини эгиб жонсиз япроқларни босиб кетарди... Шунда қаршимда ўтирган аёлдан:

— Эҳ, синглим, нима қилиб қўйганингизни биласизми? Сиз фарзандингиз юрагида табиатга муҳаббат уйғотиш, унинг мурғаккина қалбидан гўзалликка бўлган меҳрни юлиб ташладингиз. Сиз шуни биласизми? — дея сўрагим келди.

Бирдан хиёбон қоронғулашди. Дарахтлар орасидан тушиб турган танга-танга шуълалар сўнди. Тепага қарадим. Кўк бетини парча-парча булутлар қоплаб олган эди. Кўп ўтмай, ёмғир қуя бошлади. Ҳамма панага югурди. Назаримда ёғаётган ёмғир қизчага ҳамдардлик билдириб кўз ёш тўкаётгандек туюлди.

Бир зумда ерда тангадек очиқ жой қолмади. Ҳамма ёқни хазон қоплади. Ёмғир зарбидан барглар дув-дув тўкиларди.

Мен бу манзарадан кўз узолмай, ўғилларимни бағримга олиб туравердим. Атрофимиз бирпасда халқоб-халқоб сув бўлиб кетди. Ёмғир япроқларни худди варрак пирпирагандай пириллатар, кейин эса, бутун кучи билан ерга ёпиштириб, мутлақо, қимир этмайдиган қилиб қўярди. Ўз новдаларидан узилиб, ер билан теп-текис бўлган бу япроқларни кўриб, кўнглим бузилиб кетди. Ёмғир эса, ҳамон эринмай ёғарди. Баъзи жойларда лойқа сувдан бошқа ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

Бир маҳал хиёбон ёришди. Ёмғир сийраклашди. Секингина панадан чиқиб тепамга қарадим. Қарадиму, кўзларим қамашиб кетди. Рўпарамдаги қайин дарахтининг энг учки шохида бир нарса худди олтиндек товланиб турарди. Қўлимни соябон қилиб яхшилаб қарадим. Бу... оддий япроқ, сап-сариқ қайин япроғи эди.

Унга, шу кичкина, енгилгина тебраниб турган япроққа тикилар эканман, куни кеча бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушиб кетди...

Кечки пайт ишдан қайтаётиб, худди шу хиёбон ёнида махсус кийим кийган фаррош аёлларнинг бир отахон билан баҳслашиб турганларининг устидан чиқиб қолдим. Хиёбон ичини аччиқ тутун худди қуюқ тумандек қоплаган. Атрофга назар ташладим. Аёллар йўлкалардаги нам хазонларни супуриб, тўплаб ёқишарди. Ёнаётган хазонлардан катта гулхан ҳосил бўлиб, маҳзун бир манзарани ҳосил қиларди.

Бирдан аёллар чувиллашиб кетишди. Секин уларга яқинлашиб, отахондан:

— Ҳа, отахон, тинчликми? — деб сўрадим.

— Тинчлик, қизим, тинчлик. Кўрмайсанми, буларга гап уқтириб бўлмайди. Хазонларни ёқмасдан уларни бир жойга тўплаб, узоққа олиб боришнинг ҳожати йўқ, шу ернинг ўзида каттароқ бир ўра қазиб, кўмиб ташланса бўлмайдими, деб сўрасам:

— Отахон, агар шу хазонларга жонингиз ачиётган бўлса, уйингизга олиб кета қолинг. Бизнинг бундай майда ишларга вақтимиз йўқ. Биз фақат буйруқни бажарамиз, — деб устимдан кулишяпти. Мен хазонларга ачинганимдан эмас, табиатга, ўзимиз нафас олаётган ҳавонинг булғанаётганига ачинаман. Шуми табиатга кўрсатаётган ғамхўрлигимиз?

Шундай дея отахон биздан узоқлашиб кетдилар...

...Қайин дарахти учидаги кичкина япроқ менга шу отахонни эслатиб юборган эди. Тепамга яна қарадим, япроқ қуёш нурида олтиндек товланиб, енгил тебранганича кўкка дадил бўй чўзиб турарди...

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

Соғлом авлод учун

# МАРКАЗНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

***У она деган муқаддас номга эга бўлиш орзусида ўз ҳаётидан воз кечишга ҳам тайёр эди. Бошқача айтганда, юрак-қон-томир хасталигига чалингани боис шифокорлар вақтинча фарзанд кўрмай туришни маслаҳат беришганди.***



Шунга қарамай... Туғруқхоналардан биридан шаҳар перинатал Марказига олиб келишганда унинг аҳволи жуда оғир эди. Аммо нима бўлганда ҳам, чиқмаган жондан умид, мураккаб операция ўтказиш лозим. Дарров беморнинг қариндошлари билан суҳбатлашилди. Тажрибали шифокорлар Ўктам Халилов билан Малика Маматовалар бутун масъулиятни ўз зиммаларига олишди. Операция муваффақиятли ўтди. Бўлғуси онанинг ҳаёти сақлаб қолинди. Атрофни эса янги дунёга келган чақалоқнинг ўктам овози тутди...

Пойтахтимиздаги перинатал Марказида бундай воқеаларга ҳар куни, ҳар соатда гувоҳ бўлиш мумкин. Айтиш керакки, бундай шифо масканлари нафақат республикамизда, айни пайтда жаҳон амалиётида ҳам янги даргоҳлардан саналади.

Қувончлиси шундаки, перинатология фанининг ўзи тиббиётда кенжа фан бўлишига оналик ва болаликни муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этадиган тиббиётнинг мазкур йўналишига мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ катта эътибор бериб келинаётир. Аввал республика, бироз ўтмай ҳудудий перинатал Марказлари фаолияти йўлга қўйилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Бундай даргоҳларсиз ҳақиқий соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш мушкул. Яшириб нима қиламиз, собиқ мустамлака асоратлари ҳали-ҳамон қалбимизни эзади. Эртанги кунимиз эгаларини дунёга келтирадиган аёлларимизнинг бир қисми камқонликдан қийналмоқда. Юрак-қон-томир хасталигига чалинган, турли касалликлар асоратидан азоб чекиб юрган аёллар бор. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан бундан икки йилча илгари ташкил этилган перинатал Марказда энг аввало ана шундай беморларга хизмат кўрсатилмоқда, уларнинг дардига малҳам қўйилмоқда.

Ҳаётимизда бирон бир ирсий хасталик билан туғилиш ҳолларини ҳам афсуски учраб туради. Марказда бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, бу ерга ўрнатилган «ақлли» машиналар туғилажак бола саломатлигини ҳомиланинг дастлабки ойлариданоқ аниқлаш ва тегишли муолажалар қўллаш имконини беради. Эндоскопик ва лапороскопик жарроҳлик амалиётининг йўлга қўйилиши оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим қадамлардан бири дейиш мумкин.

— Шифохонамиз шаҳар ўқув-методик Маркази сифатида ҳам шаклланиб бораётганидан мамнунмиз, — дейди мазкур даргоҳ директори, тиббиёт фанлари номзоди Улуғбек Нурматов. — Шифокор олимларимиз томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориждаги бошқа ҳамкасблар билан самарали ҳамкорликда перинатология соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар дадил жорий этиляпти. Бундан ташқари, шаҳар туғруқхоналари, оилавий поликлиникаларга ҳам назарий-амалий тавсиялар бериб борилади, шаҳар тиббиёт ходимлари учун ўзига хос мактаб ролини ўтайди. Бу эса ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, болалар ўлими ва туғиш жараёнидаги кўплаб нохушликлар кескин камайиб бораётир. Соғлом, баркамол авлод камол топиши учун мустақил пойдевор қўйилмоқда. Энг муҳими, бошланган хайрли ишни изчил давом эттириш учун Марказда барча шароитлар муҳайё — замонавий бино, энг янги тиббий жиҳоз ва ускуналар, қолаверса ўз касбига фидойи, тажрибали тиббиёт ходимларидан иборат аҳил жамоа. Ана шундай бўлгач ҳамшаҳарларимиз бизнинг хизматимиздан ҳар қанча баҳраманд бўлса арзийди.

*Дилшод НЕЪМАТОВ.*
*СУРАТЛАРДА: Марказнинг кундалик ҳаётидан лавҳалар.*



Обуна — 99

# «ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?




Мустақил мамлакатимиз қалам соҳиблари — газета ва журналлар, телевидение ва радио журналистлари,ноширлар ва матбаачилар, китоб савдоси ходимлари, бўлажак журналист ва матбаачи талабалар, матбуотимиз таянчи — ишчи-деҳқон мухбирларнинг содиқ дўсти — ўзининг 80 йиллигини нишонлаган «Ўзбекистон матбуоти» журналига обуна давом этмоқда.

Журнал саҳифаларида газета ва журналлар, телерадио таҳририятлари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, китоб савдоси ташкилотларининг фаолияти, қувончу ташвишлари, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйган барҳаёт сиймолар, матбуотимиз фидойилари, фахрий матбаачилар ҳақида очерк ва лавҳалар, ҳамкасбларимизнинг ижодидан намуналар мунтазам чоп этилади.

Эслатиб ўтамиз: журнал фақат Тошкент шаҳрида жуда кам нусхада чакана савдога чиқарилади. Журнални муқим олиб туришнинг энг ишончли йўли унга обуна бўлишдир. Муассисларимизнинг саъй-ҳаракати билан унинг обуна баҳоси бошқа нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

**Унинг индекси — 883. Бир йиллик обуна баҳоси Тошкент шаҳрида: обуна қутисига — 228 сўм, уй манзилига — 246 сўм.**

*«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.*

Ғазалхонлик

## БОҚИЙ БЎЛСИН

*Боқий бўлсин байроғгинанг, ҳар жоннинг ўз байроғи бор.*
*Ҳар элнинг ўз ночори-ю шудлик бўлса бойроғи бор.*
*Ношудга ҳам таъна йўқдир, лоқайдликнинг гирдобида,*
*Тўлқинлардан тўлқинларга урилгувчи «қайроғи» бор.*
*Фалакка бош уриб олган, дароз зотин кўрдингми ҳеч?*
*Кўкка танга отсанг, бошга шиддат билан қайтмоғи бор!*
*Кўкни ўпар фаввoранинг, салқинлари жон роҳати,*
*Ва лек, нечун ичиб бўлмас, чўкиндисин лойроғи бор.*
*Гумбаз аро уммон юлдуз, тун гулзори экан билсам,*
*«Сомон йўл» ҳам ғужғон гулзор, ўз булбули, сайроғи бор.*
*Ота фалак, омон бўлса, она замин ардоқликдир*
*Ҳаво жонбахш кўз ёш тўкса, заминда ҳам қайноғи бор.*
*Бу қадим дунёга ҳасрат, этмоқни бас қил эй, дилим,*
*Қадди «алиф»-дек тўғри-ю, қисмат аро ёйроғи бор.*
*Турсуно, дунё азалдан, тоғу қир, сой ҳам, ўр эрур,*
*Кимда қалбнинг кўзи йўқдир, юрган йўлин войроғи бор.*

Турсун МУҲАММАД.

## АЙЛАР МУДОМ

*Бўлса дўст чин дўст агар, дўстини ёд айлар мудом,*
*Ёд этиб ошноларин, кўнглини шод айлар мудом.*

*Дўст билан суҳбат ширин, лаззат берар дил комига,*
*Лутфи сухан шаккари, қандни касод айлар мудом.*

*Дўст агар келса кулиб, хона мунаввар бўлғуси,*
*Мақдами дўст файзи ҳар уйни обод айлар мудом.*

*Улфатинг оқил, зариф — умринг сени хушнуд ўтар,*
*Гар мунофиқ, беқарор — фисқу фасод айлар мудом.*

*Тутса ким сидқидилдан, дўсти доно ҳурматин,*
*Кўрсатиб ул тўғри йўл, айни мурод айлар мудом.*

*Шарти улфат адабдур, меҳмоннавозлик, яхшилик,*
*Дўсту аҳбоб меҳрибон, ҳам эътимод айлар мудом.*

*Келса ёрон сафардан, ҳамда бемор чоғиндаким,*
*Қил зиёрат Ҳақ ўзи мушкул кушод айлар мудом.*

*Ўтса айб дўстдан агар, авф этарлар чин дўстлари,*
*Неъмати дўстлик Урфон, завқинг зиёд айлар мудом.*

Урфон ОТАЖОН.

